


## Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дангасаликка қарши ўргатган дуолари



19:54 / 27.09.2017 11913

Дангасалик – бу муваффақиятсизликнинг боши. Айнан шунинг учун Ислом дангасаликдан огоҳ қилади. Аввалги пайғамбарлар ҳам худди шу тарзда инсонларни дангасалик ва бекорчилик келтирадиган зиён-зарарлардан огоҳлантиришган. Муваффақиятнинг боши ва асосий шarti бўлган меҳнатсеварлик мўмин бандани бошқалардан ажратиб турувчи сифат бўлиб, у дангасаликнинг аксидир. Айнан шу сабабли барча пайғамбарлар астойдил ҳаракат билан меҳнат қилишга даъват этганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан дангасаликдан паноҳ сўраб қуйидаги дуони ўқиганлар

**دُوعَاؤِ الْخُبُلِ أَوْ مَرَّةِ لَوْ نُبُحُّ لَوْ لَسْنَا كَلِّ أَوْ زُجَّ لَوْ نَمَكَبُ دُوعَاؤِ يِّنِ الْمُؤَلِّ  
تَامْمُ لَوْ أَيْحُمُّ لَوْ نَتَفُ نَمَوْ رُبُّ قُلَابِ أَدَعُ نَمَكَبُ**

(маъноси): «Ё Аллоҳ, Сенинг номинг билан ожизликдан, дангасаликдан, қўрқоқликдан, мункиллаб қария бўлишдан, бахилликдан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан паноҳ тилайман»